

## БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Якибова Дилором Шарифовна**

190111, Термиз давлат университети

Бошлангич таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада бошлангич синф технология ўқитувчиларининг технологик компетентлилигини ривожлантиришининг назарий асослари келтирилган. Мақолада бошлангич синф ўқитувчиларининг технологик компетентлилигини шакллантиришига оид тавсиялар ишлар чиқган педагог олимларнинг муроҳазалари келтирилган бўлиб, бу бошлангич синф технология ўқитувчиларининг технологик компетентлилигини ривожлантириши масалаларини ёритишга алоҳида ўрин эгаллаган.

**Таянч сўзлар:** компетентлик, технологик компетентлик, технология ўқитувчиси, компетенция, педагогик фаолият, бўлажак ўқитувчилар.

### **КИРИШ**

Инсоният асрлар мобайнида тараққиёт қиёфасини ўзгартирадиган қатор чуқур ўзгаришларни бошдан кечирди, бу биринчи галда саноатлашган жамиятдан саноатлашган ахборотга ўтиш билан боғлиқ, бунда билимларнинг синтези ва уларнинг тарқалиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, чунки таълим соҳаси сиёsat, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалар билан яқиндан уйғунлашди. Айни пайтда давгимизга хос таълим соҳасидаги ўзгаришлар бўлажак ўқитувчиларнинг рақоватбардошлигига кўмаклашадиган юксак маданият, ташаббускорлик ва мустақил изланишларига яна ҳам ёрқин йўналтиради.

Кейинги йиллар мобайнида таълим ривожланишининг асосий йўналишлари ўзгарди, шу муносабат билан билимлар ва қобилиятларни ўзлаштириш билан бўлажак ўқитувчининг касбий педагогик фаолияти ва ҳар доим малакаларнинг шаклланишини ҳал қилмайди. Шу нуқтаи назардан касбий педагогик таълим тизимига компетентли ёндошишни амалга ошириш бугунги кун талаби эканлигини эътироф этиш лозим. Шу нуқтаи назардан компетентли ёндошиш назарияси ва амалиёти энг жадал ривожланаётган ёндошиш ҳисобланади, шу муносабат билан унинг “компетенция”, “компетентли”, “қобилият” каби талқин қиласидиган асосий тушунчаларини кўриб чиқиш

мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда таъкидлаш керакки, компетентли ёндошиш муаммолари билан шуғулланадиган тадқиқотчиларнинг фикрига қўра, компетентли ёндошишнинг тушунчалар доираси тўла белгилаб берилмаган ҳамда уларнинг бир хил ва умумэътироф этилган талқини йўқ.

Компетентли ёндошиш ғояларини В.И. Байденко, В.А. Болотов, В.В. Сериков, Э. Ф. Зеер, Э. Симанюк, И. А. Зимнея, Д.А. Иванов, К.Г. Митрофанов, О.В. Соколова, О.Е. Лебедев, Г.К. Селевко, Б.Абдуллаева, Н.Рўзикулова, О.Қўйсинов, Ж.Усаров, У.Рахматов ва бошқаларнинг илмий ишларида қўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг аксариятида компетентли ёндошиш мутахассиснинг сифатлари ва қобилиятларига жамият томонидан янги талаблар пайдо бўлишига жавоб сифатида қаралади, замонавий мактаб ёки бошқарув структуралари учун компетентли ёндошиш ғояларини амалга оширишга муҳим аҳамият берилади [16, 79, 176, 215].

Компетентли ёндошишдан фойдаланиш инсоният тараққиёти нафақат иқтисодий ўсишга, айни пайтда шахс ривожлангани дарајасига боғлиқ эканини тушунишга асосланади, бу “инсон захиралари” тушунчасидан “инсон компетентлиги” тушунчасига ўтишни тақозо қиласи. Компетентли ёндошишда таълим натижаларига асосий эътибор берилади, бунда натижа сифатида ўзлаштирилган ахборотлар ҳажми эмас, балки турли муаммоли вазиятларда инсоннинг ечим топа олиш ва ҳал қила олишига қаралади. Бизнинг ҳолатимизда бу педагогик ҳодисалар ҳисобланади, шунинг учун, бизнингча, факат ОЎЮда ўкув жараёнига педагогик тус бериш йўли билан, яъни талабаларга таълим бериш ва тарбиялашнинг барча бўғин ва жиҳатларини уларни касбий педагогик тайёрлаш вазифаларига бўйсндириш орқали компетентли ёндошишни амалга ошириш мумкин. Бу шуни англатадики, психологик-педагогик, балки бошқа фанлар ҳам талабаларни педагогик фаолиятга йўналтирган тарзда ўқитилиши керак.

Таъкидлаш керакки, компетентли ёндошиш таълим соҳасидаги модернизациялаш муаммоларига бағищланган мунозаралар муносабати билан нисбатан яқинда тарқалган, натижада илмий-назарий ва илмий методик тадқиқотлар пайдо бўлди, уларда ёндошишнинг моҳияти, шунингдек ҳал қилувчи компетентликларни шакллантириш жиҳатлари таҳлил қилинган. Мазкур ишларда компетентли ёндошиш таълим мақсадларини белгилаш, таълим жараёнини ташкил қилиш мазмунини танлаш ва қуидаги позициялардан натижаларини баҳолаш принциплари мажмуудан иборатdir:

- тўпланган тажрибадан фойдаланиш асосида турли фаолият соҳалари ва шаклларида муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятини мутахассисда ривожлантириш;

- билиш, дунёқараш, аҳлоқ ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадиган дидактик мослашган ижтимоий тажрибадан иборат таълим мазмунини танлаш;

- таълим жараёнини ташкил қилиш, билиш, коммуникатив, ташкилий, технологик, аҳлоқ ва бошқа муаммоларни мустақил ҳал қилиш учун шароитлар яратиш;

- муайян таълим босқичида эришилган таълим натижалари, билим даражаларини баҳолаш [215].

Компетентли ёндошишнинг кўплаб ғоялари меҳнат бозоридаги вазиятни ўрганиш, ходимга нисбатан талабларни белгилаш натижасида пайдо бўлган. Бунда компетентли ёндошиш таълим мазмунини янгилашнинг муҳим концептуал қоидалардан бири сифатида қаралади. Жаҳон таълим амалиётини ҳисобга олганда эътироф этиш мумкинки, “асосий компетентликлар” тушунчasi билимлар, қобилиятлар ва интеллектуал таркибий жиҳатларни интегратив табиатга эга ўзига хос боғловчи, марказий тушунча ҳисобланади.

Технология ўқитувчисининг ўқувчиларни технологик компетенциясининг негизи ҳисобланган қуриш-ясаш ишларига жалб қилишга тайёрлиги, унинг моҳияти, структурасига оид аниқ тасаввурлар йўқлигини ҳамда технологик компетенцияни шакллантиришга доир илмий-асосланган тавсиялар ўртасидаги номутаносибликларни кўриб чиқиши лозим. Хусусан:

- ўқитувчи фаолиятида технологик компетенциянинг аҳамияти ва олий қасбий таълим тизимида уни шакллантириши механизми тўла ишлаб чиқилемаганлиги;

- технология ўқитувчисига технологик қобилиятларни ўзлаштириши талаблари ва технологик компетенцияни шакллантиришга кўмаклашадиган таълим модели узвий шаклланмаганлиги;

- ўқувчиларнинг қуриш-ясаш ишларини ташкил этишида технологик компетенцияни зарурлиги ва бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда унинг педагогик шаклланиши шартларини ечилмаганлиги.

Мазкур зиддиятларни ҳал қилиш ва бўлажак технология ўқитувчисининг компетентлиги шаклланишини илмий асосланган модели узвий шаклланмаганлиги тадқиқот муаммосини белгилайди, унинг моҳияти бўлажак технология ўқитувчисининг технологик компетенциясини шакллантириш мазмуни ва жараёнини ишлаб чиқишидан иборат.

Педагогикада компетентли ёндошишни амалга оширишда предмет усти хусусиятига эга муҳим компетенциялар ва аниқ ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлиги майдонга чиқади, улар доирасида фаолиятга тайёрлик, шунингдек компетенциялар таркибига кирадиган универсал қобилиялар шаклланади. Бунда таълим мазмуни компетенциялари ва предмет структурасининг ўзаро боғлиқлиги “муҳим компетенцияларини ажратиб кўрсатиш; уларнинг мазмунини таҳлил қилиш ҳамда компетенцияларни шакллантириш учун зарур билимлар ва аниқ предмет қобилияларини белгилаш; таълимни аниқ ўқув предмети бўйича ташкил қилиш”ни назарда тутади.

Компетентли ёндошиш ўз навбатида шунинг учун ҳам зарурки, ҳозирги жиддий модернизация ва ислоҳ қилиш шароитидаги замонавий таълим зиддиятларининг бир неча гурухларини ҳал қилишга йўналтирилган инновацион педагогик ғоялар ва концепцияларни жорий қилишни талаб қилади, улар орасида қўйидагилар:

- компетентли ёндошишининг бошлангич амалий йўналганигининг педагогик амалиётнинг мавжуд предмет (шу жумладан мета предмет) йўналишига мос келмаслиги;
- концептуал ва инновация потенциалининг ноаниқлиги, хусусан фаолиятли ва ривожланадиган йўналишидаги мавжуд психологик-педагогик концепциялар билан инновация потенциали жисдий фарқининг мавҳумлиги (Н.Д. Никандров, М.В. Богуславский, В.М. Полонский);
- компетентли ёндошишининг предмет ва ёш билан боғлиқ жиҳатларига (Г.Н. Филонов), шунингдек уни жорий қилишининг ташкилий-бошқарув жиҳатлари йўқлиги (Н.Д. Никандров, И.И. Логвинов);
- компетентли ёндошиши асосида амалга ошириладиган миллий маданий, ижтимоий-сиёсий, ниҳоят ижтимоий-психологик стандартлар ишлаб чиқиши контекстининг ноаниқлиги (В.И. Слободчиков, Т.М. Ковалева).

Бироқ компетентли ёндошишни амалга оширишда қўйидаги икки жиҳат олдингидек муҳим бўлиб қолаверади:

- **биринчидан**, компетентли ёндошиш концепция ва мантиқ амалиётига нисбатан, бироқ тегишли фанлар тушунча ва методологик аппаратига таяниш ёки улардан олишни назарда тутадиган кўплаб замонавий ёндошишларининг замонавий, шу жумладан культурологик (В.В. Краевский ва бошқалар), илмий таълим (С.А. Пиявский ва бошқалар), дидактомарказлашган (Н.Ф. Виноградова ва бошқалар), функционал-коммуникатив (В.И. Капинос ва бошқалар) ёндошиш сифатида қаралади;

- **иккинчидан**, энг аҳамиятли ҳолат, бунинг натижасида таълимда касбга ўқитиш долзарб тус олди.

## **ХУЛОСА**

Компетентли ёндошишни характерлайдиган асосий тушунчалар таҳлили қўйидаги тушунчаларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- муайян предметлар ва жараёнлар доирасига нисбатан ажратиладиган ўзаро боғлиқ шахс хусусиятлари мажмuinи ўз ичига оладиган компетенцияни;
- тегишли компетенцияни, шу жумладан унга ва фаолият предметига шахсий муносабатларни эгаллаш, ўзлаштириш билан нисбат бериладиган компетентликни.

*Компетентлик, компетенцияларни шакллантириши босқичма-босқич амалга оширилади, бунинг учун биринчи босқичда элементар ўқув компетенциялар шакллантирилади: ўқилган ёки эшиштилган билимнинг асосий мазмунини олиш; берилган савол ёки мавзуга биноан фикрларни аниқ шакллантириши, ўзига хос фикрларни бирга келтириши; вазифаларни ҳал қилишининг турли вариантларини тадқиқ қилиш, турли мезонлар нуқтаи назаридан энг яхисини танлаш; умумий вазифани бажаршида бошқалар билан ҳамкорлик; ҳаракатлар ва вақтни режалаштириши; ўз фаолияти натижаларини баҳолаш ва бошқалар.*

Бинобарин, компетентли ёндошишни амалга оширишнинг асосий мақсади педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида таълим жараёнини реконструкция қилиш ҳисобланади. Улар ўқув билиш жараёни шаклланиши (иш мақсадлари ва тартибини белгилаш, ўқув фаолиятини мустақил режалаштириш, алоҳида объектлар ўртасида алоқа ўрнатиш, янги вазиятларда ўзлаштирилган усууларни қўллаш, ўзини назорат қилиш), коммуникатив (ҳамкорлик, болаларга ёрдам кўрсатиш, гуруҳ ишида қатнашиш, ахборотлар алмасиши ва бошқалар), ахборот (ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш ва танлаш, структуралаш, ўзгартириш, сақлаш, узатиш ва бошқалар), ўзини шахсий такомиллаштириш (ютуқлар ва хатоларни таҳлил қилиш, муаммолар ва қийинчиликларни топиш, оғир вазиятларда ўзаро ёрдам ва қўллаб-куватлаш ва бошқа) компетенцияларни шакллантириш вазифаларини ҳал қилиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. У.Якибова. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлилиги. ТДПУ илмий ахборотлари. 2023, №3.
2. Н.Рузиколува. Бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2020.
3. О.Қўйсинов. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2019.
4. Ж.Усаров. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2019.
5. У.Рахматов. Масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2020.